



**ИНСОНИЙ ОНГ ВА ТАФАККУРДА ПРЕДМЕТЛИК
ВА БЕЛГИ-ХУСУСИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗАРО
МУНОСАБАТИ**

Ширинова Нилуфар Джаббаровна

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти,
филология фанлари номзоди*

Аннотация: Мазкур мақолада объектив реалликда синкрет (қоришиқ, ажралмаган) бўлган предметлик ва белги-хусусиятнинг инсоний онг ва тафаккурда дискретлашиши (ажратилиши, фарқланиши) ҳамда предметлик ва белги-хусусият тушунчалари сифатида ўзаро муносабатга киришиши ҳодисаси борасида фикр юритилган.

Аннотация: В статье дается анализ явления дискретизации (разграничения, дифференциации) в объективной действительности синкретичных (неразграниченных, объединенных) предметности и качественности в человеческом сознании и мышлении, а также их взаимоотношение в качестве предметных и качественных понятий.

Annotation: The article deals with the phenomenon of the discretization (differentiation, demarcation) of substance and attribute in human consciousness and mentality, which are syncretic (united, combined) in objective reality, and also their interrelations as substance and attributive notions.

Калит сўзлар: предметлик, белги-хусусият, синкретлик, дискретлик, предметлик тушунчаси, белги-хусусият тушунчаси, инсоний онг, инсоний тафаккур, эманация.

Ключевые слова: предметность, качественность, синкретизм, дискретизация, понятие предметности, понятие качественности, человеческое сознание, человеческое мышление, эманация.

Key words: substance, attribute, syncretism, discretization, substance (substantive) notion, attributive notion, human consciousness, human mentality, emanation.

Инсоннинг фаол онги борлиқни акс эттиради – онг борлиқнинг инсон миёсидаги инъикосидир [3, 356; 5, 39-41; 6, 15-17; 7, 83-84]. Тафаккур, объектив воқелиқнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикоси жараёни,



инсоннинг фикрлаш қобилияти сифатида борлиқнинг оддий кўзгудаги пассив акси эмас, балки фаол ва бунёдкордир.

Онг ва тафаккур воситасида воқелиқнинг умумий томонларини акс эттириш орқали яққа, конкрет предметлар моҳиятини билиб олиш ҳам мумкин [5, 39; 2]. Онг ва тафаккур борлиқда предметлик ва белги-хусусиятнинг бирлиги, предметликнинг белгилар мажмуаси эканлиги, белги-хусусиятнинг предметнинг бир томони эканлиги, бир предметликнинг иккинчи предметликдан белги-хусусиятлари (сифатлари) билан фарқланишини акс эттирган ҳолда бу инъикосга фаол ёндашади. У белги-хусусиятни предметликдан, предметликни белги-хусусиятлардан ажратган ҳолда идрокий умумлашмалар яратади. Борлиқда, масалан, кўк ранг борми? Йўқ, **балки фақат кўк рангли нарсалар, мавжудотлар бор**, холос. Ёки аксинча. Борлиқда жинссиз одам борми? Йўқ. Тафаккур, масалан, рангни (resp. сифатни) бу ранг мужассамлашган нарсалардан ажратган ҳолда алоҳида-алоҳида тушунчалар, воқелиқлар сифатида шакллантиради. Чунончи, **қизил** ранг тушунчасини предметликдан узилган ҳолда ифодаласа, **олма** тушунчаси белги-хусусиятлардан ажратилган предмет, нарса сифатида англашилади.

Тафаккур предметликдан ажратган сифатлар ва белги-хусусиятлари четлаштирилган предметлик ҳаққонийми? Бу масала мантиқ ва фалсафада энг чигал муаммолардан бири саналади, чунки номиналистик-сенсуалистик, вульгар материалистик ёндашишда зоҳиран белги-хусусиятлар предметликдан, предметлик эса белги-хусусиятдан ажратилмаганлиги сабабли бундай тафаккурий умумлашмалар, яъни предметликдан ажратилган сифатлар ва белги-хусусиятлардан ажратилган предметлик – нореал, ноҳаққоний, сунъий, субъектив деб қаралади [2; 4]. Лекин диалектик рационал ёндашиш бундай умумийликларни реал, ҳаққоний, борлиқдаги мавжудотларнинг умумийлиги, ўхшаш томонлари деб тан олади. Исломиий тасаввуф ҳам бу ҳодисани Зоти Мутлақда бутунликда бўлган азалий сифатларнинг бир-биридан узилган ҳолда воқеланиши деб талқин этади (ғарб фалсафасида бу **эманация** (тажалли) дейилади). Абдурахмон Жомий буни шундай тасвирлайди:

*Хост, ки дар оинаҳои дигар,
Бар назари хеш шавад жилвагар.
Дар ҳури ҳар як зи сифот қидам.
Рӯи дигар жилва диҳад лочарам.
Равзаи жонбахши жаҳон офарид,*



*Богчаи кавну макон офарид.
Кард зи ҳар шоҳу гулу баргу хор,
Жилваи ӯ ҳусни дигар ошкор.
Сарв хабар аз қадди раънош дод,
Гул хабар аз талъати зебош дод.*

Таржимаси:

*Истадики, кўзгу тутиб юзига
Кўрса ўзин, ҳам кўринса ўзгага:
Ул азалий сифатлардан ҳар бири
Бир юз бўлиб чиқсин бутундан бери.
Ер юзининг гулзорларин яратди,
Икки жаҳон боғларини ясатди.
Ҳар бир шоҳу баргу гулу тикандан
Унинг акси жилваланди янгидан;
Сарв гўзал қаддидан берди нишон,
Гулда юзининг чиройи ниҳон [1, 67].*

Инсоний тафаккур аслида борликда бир-биридан ажралмас бўлган предметлик ва белги-хусусият муносабатини ўзига хос тарзда ифодалайди [6, 15], белги-хусусиятларни предметликдан ажратилган ҳолда қайтадан алоқага киритади, мантиқан боғлайди.

Тафаккурнинг бунёдкорлик хусусияти нафақат сифатларни, белги-хусусиятларни предметликдан ва предметликни белги-хусусиятлардан ажратган ҳолда тафҳим этиши билан, балки алоҳида ажратилган белгиларни предметликлар билан бириктириб, борликда йўқ нарсаларни ҳам ярата олишида намоён бўлади. Масалан, *дев, пари, аждарҳо* каби афсонавий мавжудотлар ҳам тафаккурнинг фаол бунёдкорлиги маҳсулидир.

Тафаккур белги-хусусиятларни ажратар экан, уларни даражалайди. Чунончи, *шафтоли гули ~ пушти ~ қизғиш*. Миқдорий белгини сифат белгидан (*биринчи қўлланма – илк қўлланма*), турғун, барқарор белгини динамик, ўзгарувчан белгидан фарқлайди (*Гул – қизил. – Гул қизарди.*), ўхшаш белгиларни бирлаштиради: *шундай, шунча, шунақа*. Бошқача қилиб айтганда, тафаккур предметлик ва белги-хусусиятларни тасниф этади – ўхшашликлар асосида бирлаштиради, фарқлар билан ажратади. Натижада объектив борликда бир-биридан узилмаган, синкретик ҳодисалар тафаккурда **унинг бунёдкор**



фаолияти самараси ўларок бир-биридан ажратилади, дискретлаштирилади, умумлаштирилади ва гуруҳлаштирилади. Фарқланишнинг навбатдаги босқичи – инсоний тил даражасида амалга ошади, бу масала эса кейинги ишларда таҳлилга тортилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Т.: Ёзувчи, 2001. – 142 б.
2. Гегель Г.В. Наука логики. – М.: Мысль. 1970. Т.I. – 504 с.
3. Фалсафа: комусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 496 б.
4. Umarova F. Z. Preparedness of teachers for a learner-centered educational process in school //Lifelong Education: Lifelong education for sustainable education: Works of international cooperation–V. 8/arr. NA Lobanov; sci. ed. NA Lobanov, Skvortsov VN Leningr. St. Univ. na AS Pushkin, Res. Inst. soc.-econ. and ped. probl. of LLL.–SPb.: LSU na AS Pushkin, 2010.–592 p. ISBN 978–5–8290–0905–2. – 2010. – С. 347.
5. Хайдаров И.М. Особенности действия закона взаимоперехода количественных и качественных изменений в современных условиях.: Дисс. ... канд. философ. наук. – Т., 1971. – 174 с.
6. Ширинова Н.Д. Лисоний сатҳларда градуонимик муносабатлар. – Тошкент, 2016. – 124 б.
7. Ширинова, Н. (2023). ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КУРСАНТЛАРГА ЎҚИШНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАР. TADQIQOTLAR, 26(1), 39-45.
8. Ширинова Н.Д. Предметность и качество: от синкретности к дискретности. – Saarbrucken, 2013. – 86 с.
9. Ширинова Н.Д. Турли тизимли тилларда градуонимик муносабатлар. – Тошкент, 2023. – 108 б.
10. Ikanova, L. (2019). THE IMPACT OF THE MATERIALS DEVELOPMENT TO THE IMPLEMENTATION OF THE LANGUAGE PLANNING AND POLICY. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training, 7-13.
11. Ikanova, L. (2019). Learners' digital literacy of students in language classrooms. *Trends in Teaching Foreign Languages: Achievements, Challenges and Solutions*, 98-99.
12. Kenjabayevna, D. G. (2023). USING VIDEOS IN EFL LESSONS. Journal of new century innovations, 25(3), 91-93.
13. Kenjabayevna, D. G. (2022). The issues of gender, equality and moral problems in the novel “jane eyre” by charlotte bronte. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(5), 731-735.



14. Tulkin, S., Nargiza, S., & Nilufar, S. ANALYSIS OF THE TRANSLATION OF ZAHIRIDDIN BABURS POEMS.
15. Umarova F. The student's personal development as a key to sustainable development //Lifelong Learning: Continuous Education for Sustainable Development: proc. of Int. coop./arr. NA Lobanov; sci. ed. NA Lobanov, VN Skvortsov; LSU na AS Pushkin, Res. Inst. Soc.-Econ. and Ped. Probl. of Lifelong Learn.–SPb.: LSU na AS Pushkin, 2011.–Vol. 9.–656 p. – 2011. – С. 564.